

Пудрат шартномаси

18«10»2022 yil.

630-11-168-МТ/2022-son

Марғилон шаҳар Мактабгача таълими бўлими кейинги ўринларда « Буюртмачи » деб юритилувчи номидан раҳбари **Х.Қ.Қурбанова** бир томондан ва **STORY FERGANA МЧЖ** кейинги ўринларда « Пудратчи » деб юритилувчи номидан раҳбари Р.Мустафаев иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан **Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 7-сонли мактабгача таълим ташкилоти ховли майдони йўлаклари ва болалар майдончаларини, смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш** ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси **218 000 000** (Икки юз ўн саккиз миллион) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30 % миқдорда Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тулик тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиш беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 (ўттиз) кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.3. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора тadbирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

7. Форс-мжор ҳолатлари

Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида қўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва ҳаттолар унга қўшиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монеълик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

8. Низоларни хал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргадидаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Томонларнинг коррупцияга қарши қўшимча шартлари.

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, муружаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

11. Бошқа шартлар

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жиҳозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учунчи шахслар тарафидан қузланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

11.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

11.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жиҳозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг қучи билан ҳаражатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.

11.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хўжалик судига муружаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди.

11.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиҳа ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорга учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

11.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан тоvon тўланади. Пудратчи барча ҳолларда хатто тегишли ҳаражатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

11.8. Ҳуқуқни химоя қилувчи органлар томонидан нархларда ёки бажарилган иш ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад пудратчи ташкилот томонидан тўланади.

11.9. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.

11.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва "31" Декабрь 2022 йилгача амалда бўлади

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

« Пудратчи »

STORY FERGANA MCHJ

« Буюртмачи »

Марғилон шаҳар Мактабгача
таълим бўлими

(иш бажарувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фарғона шаҳар А. Яссавий кўча 36 уй 10
хонодон

Манзил: Марғилон шаҳар

Тел./факс: 91 285 30 20

Мустақиллик кўчаси 673-уй

х/в: 20208000405066577001

Тел./факс: + 99890 231 66 00

Банк номи: Алока Банк Фарғона фил

ш/х*: 100 022 860 304 127 091 100 251 001

МФО: 00421

СТИР: 305 152 353 ОКОНХ: _____

СТИР: 306369041

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

ОКЭД: 41202

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010


Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент

МФО: 00 014

СТИР: 201 122 919

Рахбар: Х.Қ.Қурбанова


Рахбар: Р.Мустафаев
(и.ш.)


(имзо)



М.Ў.



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	XOVAXON KURBANOVA QODIRJONOVNA
	Imzolangan sana	18.10.2022 11:40
	Hujjat kodi	WM1860271148
	Hulosa kodi	FD7363044110

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

FD7363044110

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marg'ilon shahri maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 14.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marg'ilon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



SH.X.TOLIBOV

15.10.2022